

Жорий таъмирлаш ишларига

4 – сонли
ШАРТНОМА

Косонсой ш.

«22» апрел 2022 йил

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилувчи **Косонсой туман мактабгача таълим бўлими** номидан низом асосида иш кўрувчи **Р. Каримова**, бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган **"Мунзирбек Строй" МЧЖ** номидан низом асосида иш кўрувчи **М.Атабоев** иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. Шартнома мавзуси

1. Пудратчи мазкур шартнома бўйича “Буюртмачи” тасарруфидаги **Косонсой туман мактабгача таълим бўлимига қарашли 13 - сонли МТТ биносини жорий таъмирлаш ишларини лойиха смета хужжатларига асосан жорий таъмирлаб бериш** мажбуриятини олади. Буюртмачи эса пудратчига шартномага мувофик объектларни жорий таъмирлаш учун зарур шароитлар яратади, бажарилган ишларни қабул қилиш ва қонунчиликда белгиланган тартибда тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. Умумий шартлар

1. Бажарилган ишлар далолатномаси лимитларга ёки бошқа харажатлар Пудратчи ва Буюртмачи билан узаро тасдиқланган (Ф-3) асосида ҳисобга олинади ҳамда тулов учун тақдим этилади.

2. Хизматларни бажариш учун Буюртмачи Пудратчига иш майдонини ўз вақтида бўшатиб беради.

3. Буюртмачи Пудратчидан бажарилган ишларни миқдори ва сифатини текшириб қабул қилиб олади. Бажарилган иш сифати проект-смета хужжатларига тўғри келмаса Пудратчи камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф этади.

III. Пудратчининг мажбуриятлари

1. Барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда узининг кучлари ва жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш.

2. Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши ва шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиши:

3. Қурилиш вақтида техника хавфсизлигини, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш.

4. Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

5. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучи билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тулик мулкый жавоб беради.

6. Таъмирлаш давомида лойиха смета хужжатларида ҳисобга олинмай қолиб кетган ишларни ва тула муносабат билан қушимча ишларни бажариш ва қурилишнинг смета қийматини ошириш зарурлигини аниқласа бу тўғрисида буюртмачига ёзма равишда хабар беради.

IV. Буюртмачининг мажбуриятлари

1. Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олиш.

2. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 кун давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиши.

3. Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларини тулик ҳажмда бажариш мажбуриятларини олади.

V. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

1. Шартноманинг умумий суммаси **241 337 328 (Икки юз қирқ бир миллион уч юз ўттиз етти минг уч юз йигирма саккиз)** сўми ташкил этади.

2. Шартнома суммасидан 30% олдиндан тўлов амалга оширилади. Қолган 70% маблаг таъмирлаш ишлари бажарилгандан сунг ўтказиб берилади.

3. Ҳисоб-китоб шакли: Пудратчининг банкдаги ҳисоб-рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

4. Шартнома бўйича Пудратчи таъмирлаш ишларини 30% олдиндан тулов амалга оширилганидан сунг бажаради. Пудратчи таъмирлаш ишлари муддатидан олдин бажариш ҳуқуқига

ZZ30406816

эга. Бундай ҳолатда узил-кесил ҳисоб-китоблар амалдаги конунчиликда ва ушбу шартномада кўрсатилган туртибда амалга оширилади.

5. Пудратчи объект топширилгунга қадар мазкур шартнома буйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йук килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади. Буюртмачи мазкур шартнома буйича ўз зиммасига қабул қилинган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб бажармаган тақдирда Пудратчи бу ҳақда конун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачининг ёзма равишда хабардор қилиши керак.

VI. КАФОЛАТЛАР

1. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланган қамчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини қафолатлайди.

2. Агар объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда қафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг қамчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг V бўлимида назарда тутилган мажбуриятлар пудратчининг бажарилмаган қисмига нисбатан амалга оширмаслик ҳуқуқига эга.

3. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш "Давархитектқурилишназорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича судга мурожаат қилишини истисно этмайди.

VII. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги

1. Пудратчи объектнинг ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларини бажарилмаган қисмининг 0.5 фоизи миқдорида пеня тўлайди. Бирок бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

2. Буюртмачи ва Пудратчи томонидан шартнома шартлари буйича юқлатилган мажбуриятлар бажарилмаса мажбуриятлар бажарилмаган ишлар қийматини қунига 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

3. Пеня тўлаш Пудратчининг ишларнинг бажарилишнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

4. Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишларга уз вақтида молиялаштиришга маъсул, ҳамда жавобгардир.

VIII. Низоларни ҳал этиш тартиби

1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд органлари томонидан қўриб чиқилади.

2. Пудратчи томонидан белгиланган тартибда бажарилган ишга буюртмачи томонидан уз вақтида молиялаштирилмаса улар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

IX. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

1. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар қисман ёки тулиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида қелиб қолса ва агар бу ҳолатлар

ZZ30406816

мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай тулик ёки қисман бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

2. Мазкур шартнома буйича мажбурятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч холатлари амал қилган. Шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

3. Агар енгиб бўлмайдиган куч холатлар ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса у холда пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом этириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

Х.Шартномани бекор қилиш

1. Буюртмачи ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга кўпайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда,

2. Пудратчи томонидан шартнома шартлари тозалаш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда,

3. Объектдаги таъмирлаш ишлари Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортик муддатга тухтатиб қуйилганда,

4. Буюртмачи томонидан молиялаштириш тўхтатиб қуйилганда, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар буйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

5. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур булим коидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

6. Шартноманинг бир томонлама бекор қилишга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида тутилган ҳоллар бундан мустасно.

ХI.Алохида шартлар

1. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алохида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

2. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун нормалари қўлланилади.

3. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

4. Шартнома Газначилик булинмасидан руйхатдан утгандан сунг кучга қиради ва амал қилиш муддати 31 декабр 2022 йилгача.

Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари:

«Пудратчи»	«Буюртмачи»
«Мунзирбек Строй» МЧЖ	Косонсой туман МТБ
Пудратчининг номи	(бюджетдан маблағ олувчининг номи)
Манзил: Косонсой т. Боғишамол – I х/р: 20 208 000 105 216 858 001	Манзил: Косонсой ш. Гулобод МФЙ Ш/хв: 100 022 860 142 077 091 100 251 030
Банк номи : Ҳалқ банки Косонсой бўлими.	Банк номи Марказий банк Тошкент ш ББ ХККМ
МФО: 00 718 СТИР: 307 353 616	МФО: 00014 СТИР: 305 153 114
ОКОНХ:	ОКОНХ: 85 100
	Газначилик бўлинмаси номи: Молия Вазирлиги Газначилиги Газна х/в: 23 402 000 300 100 001 010 Банкнинг номи: Марказий банк Тошкент
	МФО: 00014 Газначилик бўлинмаси СТИР: 201 122 919
 Раҳбар _____ М.Атабоев	 Раҳбар _____ Р.Каримова

3224459



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"MUNZIRBEK STROY" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning - tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"MUNZIRBEK STROY" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

11.05.2020

844275

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil)

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

307353616

Tashkiliy-huquqiy shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:


Namangan viloyati, Kosonsoy tumani, Kosonsoy, Bog'ishamol MFY, Bog'ishamol ko'chasi, 48 uy.

Guvohnoma:

Namangan viloyati, Kosonsoy tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI

to'nonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)



So'zga taysir
Shayb



ZZ30406816

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY**

XULOSA

1. Loyi haning turi – shartnoma.
2. Xujjat raqami - **ZZ30406816**
3. Loyi haning nomi – “Munzirbek Stroy” MCHJ bilan ta'mirlash ishlarini olib borish to'g'risida.
4. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqida ma'lumot – Kosonsoy tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi, 19.04.2022 y.
5. Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuristkonsulti



F.G'ofurov

22110012068438

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 68438 на приобретение Ремонт

Способ проведения электронный

Дата 19.04.2022

Время рассмотрения 19.04.2022 12:13

Конкурсная комиссия Косонсой туман Мактабгача таълим булими, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	KARIMOVA RAYXONA SAMARAXONOVNA	Директор	29 MTM
Секретарь комиссии	ALIXONOV AZAMXON NUMONXONOVICH	Начальник отдела по эксплуатации	29 MTM
Член комиссии	ABDULLAYEV SARDORBЕК NAZIRJON O'G'LI	Инженер	29 MTM
Член комиссии	NASIROV RAVSHANXON ZOKIRXONOVICH	Снабженец	29 MTM
Член комиссии	RAXMATILLAYEV ABDULBORI KOSIMJONOVICH	Инженер	29 MTM
Член комиссии	XAKIMOV MUZAFFAR IBRAGIMOVICH	Гл.бухгалтер	29 MTM

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 19.04.2022 года № лота 68438.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 40

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по текущему ремонту нежилых зданий
Подробное описание	Косонсой туман МТБга қарашли 13-сонли ДМТТда лойиха смета хужжатларига асосан жорий таъмирлаш ишларини бажариб бериш хизмати
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	242 555 191.00
Стартовая сумма	242 555 191.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Сроки выполнения

Тип: Числовое значение

Описание: Гарантийное письмо о сокращении срока выполнения данной услуги (сжатые сроки не должны влиять на качество работы)

Обязательность: Критично

Требование заказчика: В диапазоне: лучше – меньше: от 35 до 60 дней

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SOF TA' MIR LYUKS МЧЖ	20	1	20	Системная		
ООО MUNZIRBEK STROY	20	18	20	Системная		
ООО MASHRABXON MEGA KLASS	20	25	20	Системная		
ООО SHAMS CITY	20	35	20	Системная		

Критерий №2 Информация

Тип: Бинарное значение

Описание: Полная информация участника отбора

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SOF TA' MIR LYUKS МЧЖ	15	1	5	Экспертная		
ООО MUNZIRBEK STROY	15	1	15	Экспертная		
ООО MASHRABXON MEGA KLASS	15	1	10	Экспертная		
ООО SHAMS CITY	15	1	15	Экспертная		

Критерий №3 Наличие специалистов

Тип: Текстовое значение

Описание: Наличие квалифицированных специалистов

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SOF TA' MIR LYUKS МЧЖ	15	Наличие специалистов	5	Экспертная		
ООО MUNZIRBEK STROY	15	Список специалистов в прикрепленном файле	13	Экспертная		
ООО MASHRABXON MEGA KLASS	15	малакали ишчилар руйхати	13	Экспертная		
ООО SHAMS CITY	15	Штат руйхат бириктирилдган файилда	14	Экспертная		

Критерий №4 Опыт работы

Тип: Текстовое значение

Описание: Список аналогичных объектов за последние 3 года

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SOF TA' MIR LYUKS MЧЖ	20	Опыт работы	15	Экспертная		
ООО MUNZIRBEK STROY	20	Список аналогичных объектов	18	Экспертная		
ООО MASHRABXON MEGA KLASS	20	сўнгги 3 йил давомида бажарилган объектлар рўйхати	13	Экспертная		
ООО SHAMS CITY	20	Объектлар руйхати бириктирилган файлда	15	Экспертная		

Критерий №5 Наличие техники и механизмов

Тип: Текстовое значение

Описание: Наличие техники и механизмов использующие на донном объекте

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SOF TA' MIR LYUKS MЧЖ	15	Наличие техники и механизмов	15	Экспертная		
ООО MUNZIRBEK STROY	15	Список техники и механизмов	15	Экспертная		
ООО MASHRABXON MEGA KLASS	15	машина ва механизмлар	12	Экспертная		
ООО SHAMS CITY	15	механизм ва техника руйхати бириктирилган файлда	13	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ООО SHAMS CITY	242 555 191.00	242 000 000.00	19.04.2022 07:08:25	9.65
ООО MASHRABXON MEGA KLASS	242 555 191.00	235 126 475.00	18.04.2022 22:25:19	9.93
SOF TA' MIR LYUKS MЧЖ	242 555 191.00	233 555 191.00	18.04.2022 00:11:52	10.00
ООО MUNZIRBEK STROY	242 555 191.00	241 337 328.00	18.04.2022 14:33:02	9.68

Итоговая оценка участников включая финансовую часть составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО SHAMS CITY	81.9	9.65	91.55
ООО MASHRABXON MEGA KLASS	72	9.93	81.93
SOFTA'MIR LYUKS MЧЖ	63.9	10	73.9
ООО MUNZIRBEK STROY	85.5	9.68	95.18

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 68438 от 19.04.2022 года на приобретение Ремонт определила победителем:

ООО MUNZIRBEK STROY
307353616

и резервный исполнитель: ООО SHAMS CITY (307504213)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	KARIMOVA RAYXONA SAMARAXONOVNA	Согласен	
Член комиссии	RAXMATILLAYEV ABDULBORI KOSIMJONOVICH	Согласен	
Член комиссии	ABDULLAYEV SARDORBЕК NAZIRJON O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	NASIROV RAVSHANXON ZOKIRXONOVICH	Согласен	
Член комиссии	XAKIMOV MUZAFFAR IBRAGIMOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

МУХОКАМА АХБОРОТИ

“ 22 ” апрел 2022 йил

Косонсой ш.

Наманган вилояти Косонсой туман ҳудудидаги Косонсой туман мактабгача таълим бўлими томонидан 2022 йил “ 12 ” апрелдаги 22110012068438 – сонли лотга асосан Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 56 ва 58 – моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича 13 – сонли ДМТТ биносини жорий таъмирлаш ишларини бажариб бериш учун харидлар амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни – 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича “Мунзирбек Строй” МЧЖ томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокидан энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 62 моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин ҳисобланиши белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Косонсой туман МТБ мудирини



Бош ҳисобчиси

Р.Каримова

М.Ҳақимов